



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши раиси

М.Мамадиярова

“ 30 ” 12 2022 йил

Вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ № 17

“ 30 ” 12 2022 йил

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи:

М.Мамадиярова – вилоят ҳокими
ўринбосари в.б., кенгаш раиси

Қатнашдилар:

Кенгаш аъзолари, корхона,
ташкilot раҳбарлари (рўйхат
бўйича)

КУН ТАРТИБИДА:

**2022 йил якунлари ҳамда 2023 йилда амалга оширилиши белгиланган
вазифалар тўғрисида**

(М.Мамадиярова, Ш.Набиев, Н.Тогаева, Ш.Джурсаев, ..., М.Мамадиярова)

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари в.б., кенгаш раиси М.Мамадиярова сўзга чиқиб, 2022 йил якунлари ҳамда 2023 йилда амалга оширилиши белгиланган вазифалар тўғрисида гапириб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббус ва таклифлари билан сўнгги йилларда хотин-қизлар билан ишлаш тизими тубдан қайта ислоҳ қилинди, аёлларнинг муаммолари, уларнинг қизиқиши ва интилишлари ҳамда орзу-истаклари бугунги давр ислохотининг асосий тамойилларидан бири сифатида белгилаб берилди.

Бир сўз билан айтганда бугунги замон аёлининг дунёқараши кечагидан тубдан фарқ қилади.

Жамият ҳаётининг ҳар соҳасида хотин-қизларимиз ўрни, уларнинг фаоллиги илғам қадамлар билан юксалиб бормоқда.

Бугун, хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни биргина таълим соҳасида 74,1 фоизни, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 81,5 фоизни, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳасида 34,5 фоизни, молия ва иқтисодиёт соҳасида 40,9 фоизни, саноат ва хизматлар соҳаларида 29,5 фоизни ташкил этиб, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 1,2 баробарга ортганини кўрсатмоқда.

Бу албатта, уларга кўрсатилаётган меҳр ва ғамхўрликнинг пировард натижаси десам муболаға бўлмайди.

Айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга яратилган шарт-шароитлар ва берилган улкан имтиёзлар уларнинг эртанги ҳаётга бўлган ишончи ва умидини ошираётганлиги, оилаларимиз тинчлиги ва фаровонлигига мустаҳкам замин яратаётганлиги ҳам айтиш ҳақиқатдир.

Тадбиркорлик, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва бандлик соҳаларида хотин-қизлар учун яратилган кенг имкониятлар ва имтиёзлар самараси ўларок, биргина 2022 йилнинг ўзида қарийб 2 минг нафар хотин-қизлар ўзининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди, улар томонидан 5,5 мингта янги иш ўринлари яратилди, 9193 нафар аёллар касб-хунарга қайта тайёрланди, 19 минг нафарининг бандлиги таъминланди, 600 дан ортиқ аёлларнинг уй-жой таъминоти билан боғлиқ муаммолари ҳал этилди.

Биргина, “маҳаллада ижтимоий хизмат модули” асосида хотин-қизлар фаоллари томонидан қисқа муддат ичида 8000 тага яқин оилаларнинг ижтимоий хизматлар билан боғлиқ муаммолари аниқланди ва қарийб барчаси ўз ечимини топди.

2022 йилда маҳалла тизими қайта ислоҳ қилиниб, ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоллари лавозимларининг жорий этилиши ва уларга бир қатор ваколатлар берилиши кўпгина ечимини кутаётган муаммоларга дастури амал бўлиб хизмат қиляпти.

Масалан, содир этилган ҳуқуқбузарликлар натижасида профилактика ҳисобга олинган 1436 нафар аёллар билан индивидуал ишлаш натижасида уларнинг 536 нафари профилактика ҳисобдан чиқарилди.

Суд идоралари билан ўрнатилган ҳамкорлик ва маънавий муҳит барқарорлиги йўлида кўрилатган чора-тадбирлар натижасида 811 та низоли оилаларнинг 544 тасида соғлом муҳит шакллантирилди, уларнинг 109 таси намунали оилалар қаторига қўшилди.

Бу чора-тадбирларда айниқса маҳаллалардаги “Оқила аёллар ҳаракати” жамоатчилиқ тузилмаларининг роли катта аҳамият касб этаяпти.

Узоқ муддатга кетган 3161 нафар аёллар фарзандларининг таълим ва тарбияси билан боғлиқ масалалар маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг назоратига олинди.

Биргина, ҳар бир оила тадбиркор дастури доираида 8 915 нафар аёлларга 263 млрд. сўм кредит ажратилди. Эҳтиёжманд оилалардаги 1944 нафар қизлар олий таълим муассасаларига имтиёзли 4 фоизли квота асосида ўқишга қабул қилинишлари учун тавсияномалар берилди, 150 нафар эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг 1 млрд. 70 млн. сўмлик шартномавий тўловлари тўлаб берилди.

Давлат бошқарувида хотин-қизлар иштирокини ошириш мақсадида 1 528 нафар фаол аёллардан иборат давлат фуқаролик хизматчисининг миллий ва истиқболли захираси яратилди.

Бундан ташқари, 2022 йилда “Аёллар дафтари”нинг 3-босқичи доирасида 5995 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизларнинг бандлиги таъминланган.

1849 нафар хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 20 млрд. 308 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган.

12186 нафар хотин-қизларга умумий миқдори 31 млрд. 860 млн. сўм миқдорида моддий ёрдамлар ажратилган.

252 нафар уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларнинг муаммолари ҳал этилган. Уларнинг 193 нафарига 227 млн. сўм миқдоридаги уй-жой ижара компенсацияси тўлаб берилган бўлса, 59 нафари уй-жой билан таъминланган.

20444 нафар хотин-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилган, 20177 нафарига турли даражадаги тиббий ёрдамлар кўрсатилган, 73 нафари реабилитация воситалари билан таъминланган, 2 нафари республиканинг бошқа ҳудудида жойлашган тиббий муассасаларда даволанган, 3727 нафари вилоят ҳудудларида стационар ва амбулатор даволанган. 10281 нафар хотин-қизларга турли шаклларда ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилган, 17018 нафарига психологик ёрдамлар кўрсатилган.

Шу билан бир қаторда, олдинда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифаларимиз кўп. Мавжуд имкониятлар сарҳисоб қилиниб, ҳар бир масалага пухта ёндашиб, ҳар бир муаммони туб илдизигача етиб бориб, хотин-қизларимизнинг орзу-интилишлари ва эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш учун 3 та асосий йўналиш бўйича 2023 йилга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Биринчи йўналишда, 21 минг нафар аёлларни касбга ўқитиш, бандлигини таъминлаш бўйича манзилли ишлар ташкил қилинади.

Унга кўра, 2023 йил давомида 7598 нафар хотин-қизларни бўш ва янги иш ўринларига ишга жойлаштириш, 3000 нафар хотин-қизларга тадбиркорлик фаолияти бошлаш учун кредит маблағлари ажратиш, 1600 нафар хотин-қизларни субсидия маблағлари ажратиш ҳисобига бандлигини таъминлаш, 8000 нафар хотин-қизларни тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўқитиш, 1092 нафар хотин-қизларни кооперативларга бириктириш орқали бандлигини таъминлаш режалаштириб олинди.

Иккинчи йўналишда, маҳаллаларда ижтимоий, маънавий, ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Хусусан:

137 та ажрим ёқасидаги оилаларга “Оқила аёллар ҳаркати” аъзоларини индивидуал тартибда бириктириш, ушбу оилалардаги ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш чораларини кўрилади;

сурункали нотинчлик кузатилган 761 та оилалар билан манзилли ишлар ташкил қилинади, улардаги нотинчлик ва низолар ҳамда мавжуд муаммолар бартараф этилади;

ҳудудлардаги 372 та таълим муассасаларидаги ўқувчи ёшлар билан оилавий кадриятлар мавзуларида очиқ мулоқотлар ташкил қилинади, ёшлар онгига миллий ва оилавий кадриятларни чуқур сингдириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади;

ҳудудларда “Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари” фаолияти такомиллаштирилади, бунда, “Қизилтепа тумани намунаси” асосида марказлар алоҳида бинолар ажратилади, уларнинг моддий техник базаси тўлиқ қайта кўриб чиқилади, никоҳланувчи ёшларни марказларга жалб этиш орқали янги турдаги имтиёзлар жорий этилади;

7550 нафар боқувчисини йўқотган, 1301 нафар ажрашган, 222 нафар якка ёлғиз, 34 нафар турмуш ўртоғи ЖИЭМда сақланаётган аёлларга вилоятдаги олий укув юратларининг малакали психологлари бириктирилади;

ИИБ органларида профилактик ҳисобда бўлган 1436 нафар хотин-қизларнинг оила-турмуш шароити ва ижтимоий муаммоларини манзилли ўрганиш ишлари ташкил қилинади;

1500 дан ортиқ нотинч ва низоли ҳамда эҳтиёжманд оилалар вакиллариининг мамлакат бўйлаб бепул саёҳатлари ташкил қилинади.

Учинчи йўналишда, "Аёллар дафтари" билан ишлаш тизими изчил давом эттирилади.

Келгуси йилда, мазкур тизим асосида 30 мингдан ортиқ хотин-қизларнинг ижтимоий муаммолари ўрганилади ва индивидуал дастурлар асосида ҳал қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Аёллар дафтари" билан ишлаш борасидаги ислохотлар натижадорлиги хатлов жараёнининг сифатли ва кенг кўламли масштабда ташкил этилишига боғлиқ.

Шу боис, келгуси йилнинг январь оyi мобайнида барча маҳаллаларда ишчи гуруҳлари тузилган ҳолда хонадонма-хонадон юриш орқали 30 ёшдан ошган хотин-қизлар муаммолари ўрганиб чиқилади.

Аниқланган муаммолар секторлар Штабларида умумлаштирилади, таҳлил қилинади ва амалдаги тартиб асосида тоифаланади.

Натижалар, келгуси йилнинг март ойида эълон қилинади ва 2023 йил давомида "Аёллар дафтари" рўйхатига киритилган ҳар бир аёлнинг муаммоси ўз ечимини топади.

2023 йил январь ойидан бошлаб ҳар бир тармоқ бўйича белгиланган режалар мониторинги йўлга қўйилади ва йил якунига қадар прогноз режаларнинг бажарилиши қатъий интизом ва тартиб асосида ташкил қилинади.

Йиғилишда сўзга чиққанларнинг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари в.б., кенгаш раиси М.Мамадиярованынг ахбороти маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси кенгайтирилган йиғилишининг 19.12.2022 йилдаги 4-сонли баёни билан 2023 йилда "Аёллар дафтари" билан ишлаш тизимининг 4-босқичи давомида:

амалий ёрдамлар кўрсатиладиган эҳтиёжманд хотин-қизлар қамровини кескин ошириш;

хотин-қизлар муаммолари ҳал этилиши юзасидан секторлар, масъул ташкилот ва корхоналар раҳбарларининг "маҳаллабай" ҳисобот бериш тизимини жорий этиш;

хотин-қизларга манзилли ёрдамларни бериш орқали йил якунига қадар турмуш шароитларини яхшилаш, мустақил ҳаёт кечиришлари учун зарур ҳаётий асосларни яратиш ҳақидаги топшириқлари ижро учун қабул қилинсин.

3. Барча туман ва шаҳарлар ҳокимликлари, мутасадди корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари:

беш кун муддат ичида "Аёллар дафтари" билан ишлаш тизимининг 3-босқичига киритилган хотин-қизларнинг "индивидуал дастурлари"ни ўрганиб чиқиб, ҳал бўлмаган масалаларни бартараф этсин ҳамда йўл қўйилган камчиликларнинг келгусида қайтарилмаслиги юзасидан аниқ мақсадли чора-тадбирларни белгиласин;

жорий йил 30 декабрга қадар Вазирлар Маҳкамасининг 145-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, амалий ёрдам кўрсатилган хотин-қизларни "Аёллар дафтари"дан чиқариш бўйича Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига таклифлар киритилишини таъминласин.

4. Белгилансинки:

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг қарорлари асосида "Аёллар дафтари"дан чиқарилган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотларнинг секторлар штаблари котиблари томонидан 3 кундан ошмаган муддатда ахборот тизимига киритилади;

дафтардан чиқарилган хотин-қизларга туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан 5 кун ичида бу ҳақида ёзма хабарномалар юборилади;

ўн кун муддатда матбуот хизматларини жалб этган ҳолда "Аёллар дафтари" билан ишлаш тизими доирасида амалга оширилган ва ошириладиган ишлар ОАВларда кенг ёритилади ҳамда маҳаллий телевидениеларда "Аёл рози бўлса.." мавзусида туркум кўрсатувлар жорий этилади.

Барча шаҳар ва туманлар ҳокимларига ушбу вазифалар ижроси юзасидан қатъий назорат ўрнатиш бўйича шахсий масъулият юкланади.

5. Барча шаҳар ва туманлар ҳокимлари:

ҳар бир туман (шаҳар)да "Аёллар дафтари" билан ишлаш тизимида мутасадди ташкилот ва корхоналар ҳамда секторлар раҳбарларининг ҳисобот бериш амалиётиини жорий этсин;

икки ҳафта муддатда маҳаллалар кесимида ҳисоботларни эшитиш бўйича чораклик графикларни ишлаб чиқсин ва нусхаларини маҳалла биноларига илиб қуйилишини ташкил қилсин.

6. "Аёллар дафтари" билан ишлаш тизимининг 4-босқичини куйидаги тартиб ва муддатларда ташкил этилиши кўрсатиб ўтилсин:

2022 йилнинг 31 декабрга қадар хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиб бориш учун ҳар бир сектор ва ҳудудда штаблар ташкил этилади;

Ҳудудлардаги штаблар таркибига "Аёллар дафтари" тизими бўйича масъул ташкилот ва корхоналарнинг мос равишда шаҳар ва туман бўлинмалари (филиаллари) раҳбарлари киритилади;

2023 йил 5 январдан бошлаб барча ҳудудларда "Аёллар дафтари" билан ишлаш тизимининг 4-босқичига киришилади;

жойларда давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат ҳар бири 8 нафардан иборат таркибда ишчи гуруҳлари тузилади ҳамда 330 та маҳалланинг ҳар бирида биттадан ишчи гуруҳ фаолият кўрсатади;

ҳар бир ишчи гуруҳ таркибига маҳалла раиси, хотин-қизлар фаоли, ҳоким ёрдамчиси ҳамда туман (шаҳар) давлат ва жамоат ташкилотларидан 5 нафар вакиллар жалб этилади;

ишчи гуруҳлари ҳар бир хонадонга бирма-бир шахсан киришади ва анкета-сўровномалар асосида 30 ёшдан ошган хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганади.

7. Маҳаллалардаги ишчи гуруҳлари томонидан анкета-сўровномалар асосида 30 ёшдан ошган хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш жараёнида қуйидаги жиҳатларга асосий эътибор қаратилади:

"Аёллар дафтари"нинг 3-босқичига тайёргарлик кўриш пайтида баъзи сабабларга кўра суҳбатлашиш имкони бўлмаган хотин-қизлар (жумладан, ички ва ташқи миграцияда юрган ҳамда ҳозирда қайтиб келганлар, соғлиғи туфайли касалхонада бўлганлар, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган хотин-қизлар) хонадонига кириш;

"Ёшлар дафтари"дан чиқарилган, бироқ айти пайтда эҳтиёжманд бўлиб турган 30 ёшдан ошган хотин-қизлар хонадонига кириш;

оиласи "Темир дафтар"га киритилмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар хонадонига кириб, муаммоларини ўрганиш;

"Темир дафтар"да турган, лекин ҳали ёрдам берилмаган ҳамда "Аёллар дафтари"га кириш истагида булган эҳтиёжманд хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш;

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизлар тўлиқ хатловдан ўтказиш.

Бунда:

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган хотин-қизлар моддий ёрдам олаётган бўлса, улар "Аёллар дафтари"нинг 1, 2 ва 5-тоифалардан бирига киритилиши мумкинлиги;

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган, бироқ моддий ёрдам эмас, балки унга бошқа ижтимоий хизмат курсатилаётган булса, исталган тоифалардан бирига киритилиши мумкинлиги;

илгари "Аёллар дафтари"га киритилиб, бандлиги таъминланган ёки тадбиркорлиги йўлга қўйилган хотин-қизлар такроран "Аёллар дафтари"га киритилмаслиги;

агар хотин-қизлар доимий ишдан бўшатилган ёки тадбиркорликни йўлга қўя олмаган булса, "Аёллар дафтари"га қайтадан киритилиши мумкинлиги;

"Аёллар дафтари"га киритилмаган хотин-қизлар рўyxатини шакллантиришда илгари "Аёллар дафтари"га киритилмаган хотин-қизларга устуворлик берилиши кўрсатиб ўтилсин.

8. "Аёллар дафтари" билан ишлаш тизимининг 4-босқичини ташкил этиш ва амалга ошириш, белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида

сифатли таъминлашга кўмаклашиш бўйича вилоят Штаби таркиби 1-иловага муфиқ, "Аёллар дафтари" билан ишлаш тизимининг 4-босқичини ташкил этиш ва амалга ошириш, белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида сифатли таъминлашга кўмаклашиш бўйича туман (шаҳар)лар Штабларининг намунавий таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Қуйилагилар:

ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг эътибордан четда қолиб кетмаслигига;

ишчи гуруҳлари томонидан хонадонларда ўрганиш ишлари олиб борилаётганда боқимандалик ҳолати вужудга келмаслигига;

хонадонларга кирганда боқимандаликнинг ўзига, фарзандлар тарбиясига, оила даромадига салбий таъсир кўрсатиши, ижтимоий фаоллик эса оила фаровонлиги даражасининг ошишига хизмат қилиши ҳақида таъсирчан тавсиялар ва тушунтиришлар берилишига;

ушбу жараёнда нуронийлар кўмагидан самарали фойдаланишни ташкил қилинишига;

хатлов ишларининг белгиланган муддатларда тўлиқ якунланишига қаратилган чора-тадбирларни тизимли ташкил этиш борасида шаҳар ва туманлар ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳамда ҳудудлардаги ишчи гуруҳларига шахсий масъулият юклатилади.

10. Вилоят ҳокими ўринбосари М.Мамадиярова, барча туман ва шаҳар ҳокимлари ва секторлар раҳбарлари, мутасадди корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари:

10 кун муддатда ҳар бир маҳалла кесимида 3-иловага мувофиқ намунавий шаклда Ишчи гуруҳларининг таркибини тасдиқласин;

2023 йил 5 январдан 25 январга қадар хонадонма-хонадон юриш орқали хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ишларини ташкил қилсин;

2023 йилиннг 10 февраль санасига қадар "Аёллар дафтари"нинг 4-босқичига киритиладиган хотин-қизлар руйхатларининг шакллантирилишини ҳамда уларнинг "индивидуал дастурлари" ишлаб чиқирилишини таъминласин;

руйхатларни шакллантиришда хотин-қизларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, "кредит тарихи", эҳтиёжмандлик даражаси каби масалаларни синчковлик билан ўрганилишини қатъий назоратга олсин;

2023 йил февраль санасига қадар хотин-қизлар руйхатларини ва уларнинг "индивидуал дастурлари" ҳамда хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган "Йул харитаси" лойиҳасини Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тасдиқлаш учун киритсин;

2023 йил 1 мартдан бошлаб "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларга амалий ёрдам бериш ишларини бошлаш чораларини кўрсин.

Белгилаб қўйилсинки, "Аёллар дафтари" билан ишлаш тизимини юритиш, бунда масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, маълумотлар ва кўрсатилган амалий ёрдамларнинг ҳаққонийлиги бўйича шахсий масъулият ва жавобгарлик секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) ҳокимларининг хотин-қизлар бўйича ўринбосарлари зиммасига юклатилади.

11. Вилоят Штабига аъзо корхона ва ташкилотлар раҳбарлари:

-хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва уларни "Аёллар дафтари"га киритиш ҳамда "индивидуал дастурлар"ни ишлаб чиқиш жараёнларида бевосита иштирок этсин ва белгиланган вазифалар ижроси юзасидан идоравий назорат ўрнатсин;

-ҳар бир эҳтиёжманд хотин-қизларни "Аёллар дафтари"га киритишда белгиланган талабларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида тизим ходимларининг масъулият билан ёндашишларини ташкил этсин;

-мунтазам равишда қуйи тузилмаларнинг "Аёллар дафтари"га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга амалий ёрдамлар бериш жараёнларини танлов асосида ҳудудларга чиқиб шахсан ўрганилишини ташкил қилсин.

12. Вилоят Адлия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Спортни ривожлантириш, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармалари, Бандлик бош бошқармаси, Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармаси, Республика Маънавият ва маърифат марказининг ҳудудий бўлими, АТ "Халқ банки", АТБ "Агробанк" ва АТБ "Микрокредитбанк"ларнинг вилоят бошқармалари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сонли Фармони ҳамда тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар режасида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, тарғибот тадбирларини ташкил этиш каби йўналишларда юклатилган вазифалар ижросини барча маҳаллаларда манзилли ташкил этиш чораларини кўрсин.

13. Бандлик бош бошқармаси (Э.Авезов) эҳтиёжманд хотин-қизларни касб-ҳунарларга ўқитиш ваколати берилган марказларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, касб-ҳунарга ўқитилганларнинг бандлигини тўлиқ таъминлаш чораларини кўрсин.

Бунда асосий эътибор хотин-қизларнинг "ўзини ўзи банд қилиш"га эмас, аксинча, доимий иш ўрни билан таъминлашга қаратилсин.

14. АТ "Халқ банки", АТБ "Агробанк", АТБ "Микрокредитбанк"ларнинг вилоят бошқармалари бошлиқлари кредит маблағларини олган, аммо тадбиркорлик фаолиятини бошламаган хотин-қизлар муаммолари билан манзилли шуғуллансин, уларга амалий ёрдам бериш ва қўмаклашиш орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйилишини ташкил этсин.

15. Вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси бошлиқлари икки ой муддатда "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларга психологик ёрдам кўрсатишда малакали ҳамда тажрибали психолог- мутахасисларни манзилли жалб этиш тизимини яратсин.

16. Вилоят телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиқларига:

Давлатимиз Раҳбарининг хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш ишларини ташкил этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларини изчил давом эттириш, "Аёллар дафтари" билан ишлаш тизимида оид топшириқлари ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

17. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Баёнлаштирди

A handwritten signature in black ink, consisting of a long horizontal stroke with a circular flourish in the middle.

А.Муқимов